

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 26 декабрь • № 52 (1021)

Хадемай, юртимизга 2015 йил кириб келади. Болажонларимиз безатилган арча атрофидаги Қорбобою Қорқиз, эртак оламидаги ажойиб қахрамонлар, бир-биридан қизиқ томошаларни катта қувонч ва ҳаяжон билан кутадилар. Бу байрам арафрасида ҳар бир ватандошимизнинг қалбида юксак туйғу, самимий эътироф ифодасини кўриш мумкин. Тинч ва осуда юртда бугун ўйнаб-кулиб, шодлик нашидасини ҳис қилган болаларимиз қувончини ҳеч бир сўз билан ифодалаб бўлмайди.



Фахр

ИБРАТГА АЙЛАНГАН ҲАЁТ ЙЎЛИ



Ҳар бир касбнинг ўз масъулиги бўлганидек, соғлиқни сақлаш тизимининг барча йўналишларида ўзига хос мактаб яратиб, машаққатли меҳнатлари ортидан эл орасида хурмат-эътибор топаётган тиббиётимиз фидойилари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари кўпчиликка ўрнак бўлиб, тиббиёт фанини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссалари, сидқидилдан қилган ҳалол меҳнатлари бугунги кунда ўз мевасини бераётганидан халқимиз мамнун.

Ана шундай соҳа йўналишида ўзининг кўп йиллик фаолияти, қолаверса ҳаёти қил устида турган беморларга умр бахш этиб келаётган фидойи инсонлардан бири академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази қизилўнгач ва ошқозоничак хирургияси бўлими мудири, профессор, Ўзбекистон Қахрамони Зайниддин Низомходжаевдир.

Дарҳақиқат, халқимизда «Ҳалоллик – мартабани безайди» деган ҳикмат бор. Бу сўз замирида нечоғлик ҳақиқат яширин эканлигини Ўзбекистон Қахрамони Зайниддин Низомходжаевнинг илмий-амалий фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Инсонлар дуосини олишдек савобли касбда меҳнат қилишни ҳам фахр, ҳам бурчга садоқат деб билган камтарин инсоннинг тиббиёт илми ривожига қўшган ҳиссасини қанчалик эътироф этсақда, камлик қилади.

– Зайниддин Маҳаматович, авваламбор юксак мукофот

муборак бўлсин! Ана шундай нуфузли мукофотнинг сизга тақдим этилиши ҳаммамизни хушнуд қилди.

– Менга бундай юксак мукофот берилишини кутмаган эдим. Албатта, шундай эътирофга сазовор бўлиш мен учун катта бахт. Аввало, Президентимиз камтарона меҳнатларимни юқори баҳолаб, «Ўзбекистон Қахрамони» унвонига муносиб кўрган эканлар, чексиз ташаккуримни билдираман. Бу биргина менга эмас, республика соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига берилгани энг юксак мукофотдир.

Айниқса, ушбу мукофотни давлатимиз раҳбарининг қўлларидан олаётган лаҳзамда халқимиз саломатлиги йўлида қилган меҳнатларим бесамар кетмаганлиги, тиббиёт фани ривожига ҳиссам қўшилганидан ва Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан янада фахрланиб кетдим.

– Анъанавий саволга келадиган бўлсак, нима учун шифокорлик касбини танладингиз? Илк меҳнат фаолиятингизни қандай бошлагансиз?

– Шифокорлик касбини ёшлигимдан орзу қилганман. Шу боис, 1972 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультети талабаси бўлдим ва 1978 йилда имтиёзли диплом билан тамомладим. 1978-1980 йилларда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг «Госпиталь хирургия» кафедрасида клиник ординатор бўлиб ўз фаолиятимни бошладим. 1980-84-йиллар ушбу марказда врач-хирург лавозимида ишлаб, 1984-87-йилларда аспирантурада таҳсил олдим. 1987-94-йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг «Хирургик касалликлар кафедраси»да ассистент бўлиб хизмат қилдим. 1994 йилда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг қизилўнгач ва ошқозоничак хирургияси бўлими катта илмий ҳамда бош илмий ходим лавозимига қабул қилиндим.

(Давоми 2-бетда).

ИБРАТГА АЙЛАНГАН ҲАЁТ ЙЎЛИ

2003 йилга қадар мазкур бўлимда катта илмий ва бош илмий ходим вази фасини ҳам бажардим. 2003 йилдан шу кунга қадар мазкур бўлимга раҳбарлик қилиб келмоқдам.

– **Зайниддин Маҳаматович, меҳнат фаолиятингиздан кўриниб турибдики, ўз касбингизни севиб-ардоқлаб, унинг сир-синоатларини мукамал эгаллаган ҳолда илмий салоҳият йўлида ҳам катта муваффақиятларга эришган экансиз.**

– Илмий салоҳият йўлига кириб келгунимча устозларим, марҳум академик Восит Воҳидов, профессорлар Лев Хачи-

– **Устозингиз марҳум Восит Воҳидов ҳақида тўлқинли раҳбарингиз. Уларнинг сизга ибрат бўлган хислатлари тўғрисида ҳам тўхталсангиз.**

– Агар мен устозим Восит Воҳидовнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тўхталадиган бўлсам, уларнинг меҳнатларини таърифлашга сўз бойлигим ожизлик қилади. Улар қизилўнғач касаллиги бўйича катта мактаб яратиб кетдилар, десам муболаға бўлмайди. Аввало, у кишидан инсонийлик, касбга меҳр қўйиш, эътиқод, қаттиққўллик, доимий изланиш, камтарлик ва фидойилик фазилатларини ўргандим. Айниқса, устозим беморга энг

ча қандай ютуқларга эришилмоқда?

– Истиклол туфайли юртимиз тиббиёт тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Бу албатта, Юртбошимизнинг соҳа раўнақиға бўлган эътибор ва ғамхўрликлари туфайлидир. Пойтахтимиз, қолаверса, Қорақалпоғистон Республикаси, шаҳар ва вилоятларда замонавий тиббиёт муассасаларининг янгидан қад кўтарганлиги, энг сўнгги русумдаги аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Айниқса, Перинатал, она ва бола скрининг, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказлари



аппаратураларнинг афзаллиги шундаки, уч-тўрт босқичда беморнинг саломатлиги учун ўртача 80-100 кун вақт кетар эди. Бир босқичда ўтказиладиган операция жараёнларида эса бемор саломатлиги 10-12 кунда тикланади. Буларнинг барчаси истиқлолнинг бизга берган неъматидир.

– **Зайниддин Маҳаматович, ҳар бир ота-онанинг орзуси фарзандлар камалини кўриш. Шундай экан, сизга насиб этган юксак унвон волида муҳтарамангиз Саломат ая учун катта бахт эканлигини ҳар биримиз юракдан ҳис қилиб турибмиз.**

– Умри оқар сувга, ҳаётни эса синов майдонига қиёс қиладилар. Зеро, инсон бу фоний дунёга синов учун келади. Ва ўзидан ўзгалар эслагудек ҳамда ҳайрли ишлар қолдириш мақсадида деярли бутун умрини меҳнатга бах-

миз ва бир қанча хорижий давлатларда ўтказилган нуфузли конгресс, съезд ва конференцияларда қизилўнғач ва ошқозон-ичак касалликлари бўйича маърузалар қилган. Шунингдек, мазкур долзарб мавзу бўйича у киши раҳбарлигидаги жамоа мутахассисларининг материаллари хорижий давлатлардаги матбуот нашрларида чоп этиб келинмоқда. Фидойи инсоннинг кўп йиллик меҳнатлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан инobatта олиниб, 2012 йилда “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиги” кўкрак нишони билан тақдирланган. Сўхбатимизга яқун ясар эканмиз, Зайниддин Маҳаматович аввало тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаб, самарали фаолият учун барча шароитларни яратиб берган ва мустақил-

ҚАҲРАМОНИМИЗ ҲАҚИДА

Иш фаолияти: умумий меҳнат стажы 36 йил, илмий ва педагогик фаолияти – 30 йил.

Илмий соҳаси: хирургия.

Илмий-тадқиқот грантларидаги иштироки: грант раҳбари лавозимида, учта давлат грантлари асосида илмий тадқиқотлар олиб борган.

Илмий фаолиятдан олган натижалари: илмий ва амалий фаолият давомида ишлаб чиққан янги турдаги қизилўнғач касалликларини жарроҳлик усули билан даволашнинг 6 та муаллифлик патенти билан Республика патент идораси томонидан ихтиро сифатида тан олинган. Патент ихтиролардан бири республика миқёсида ўтказилган аънавий III “Инновацион ғоялари, технологиялари ва лойиҳалар” ярмаркасида “Эзофагопластика ҳолатида ошқозондан трансплантантни шакллантириш усули” лойиҳаси учун “Тиббиёт ва фармакология соҳасида энг яхши лойиҳа” деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фахрий ёрлиги билан тақдирланган. Илмий тадқиқотлари асосида амалиётга татбиқ қилинган янги турдаги операциялар туфайли, илгари маълум бўлган қизилўнғачда бажариладиган кўп босқичли операциялар бир босқичда бажариш имкониятига эга бўлди.

Шогирдлари: илмий педагогик фаолияти давомида уч нафар фан номзоди етиштирган ва айна кунда уч нафар фан докторини тайёрламоқда.

Илмий жамоатчилик фаолияти: Ўзбекистон жарроҳлар илмий жамияти, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази илмий кенгаши, илмий муамлоар комиссияси ва мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси.

Бутун дунё хирургларнинг ассоциацияси ва Россия Федерацияси гастроэнтеролог-хирурглари ассоциацияси аъзоси.



ев, Феруз Назиров ва Абдуҳаким Хаджибаевлардан хирургия соҳаси нечоғлиқ машаққатли эканлиги ҳамда инсон ички аъзоларидан бўлган қизилўнғач, ошқозон-ичак касалликларини тўғри ташхислаш, ўз вақтида даволаш ва ижобий натижаларга эришишни чуқур ўргандим. 1987 йилда устозим, академик Восит Воҳидов раҳбарлигида номзодлик диссертациямни муваффақиятли ёқладим. 1999 йилда эса тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдуҳаким Хаджибаев раҳбарлигида докторлик ишимни тугатдим. **Илмий ишларимнинг асосий мавзуси** жарроҳликнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган қизилўнғач ва ошқозон-ичак тизими касалликлари диагностикаси ва жарроҳлик йўли билан даволаш усулларини такомиллаштириш, операциядан кейинги натижаларни яхшилашга бағишланган. Албатта, илмий даражага етгунимча кўп изланишимга тўғри келди. Илмий тадқиқотларим мавзусида 300 та илмий ишим чоп этилди. Жумладан: битта монография, тўртта услубий қўлланма, 50 та илмий иш диссертация ҳимоясидан кейин, шундан журналларда 40 та, хорижий илмий журналларда 12 та илмий мақолам нашр қилинди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

яқин инсонинг сифатида қарашни, меҳрибонлик ва хушмуомалалик билан ишонч туйғусини ўйғота олиш кераклигини доимий тақдорлар эдилар. Бундан ташқари, ҳар бир бемор билан индивидуал муомалада бўлиш муҳимлигини ҳам алоҳида уқтирдилар. Устозимнинг диққатга молик жиҳатларидан яна бири қизилўнғач ва ошқозон-ичак касаллиги билан келган беморнинг фақат шу хасталигини эмас, балки тананинг бошқа ички аъзолари ҳолатини ҳам инobatта олиш зарурлигини, шу билан бирга, ҳар бир беморга психологик ёндошиш кераклигини таъкидлардилар. Меҳнат фаолиятим давомида устозим билан ёнма-ён ишлаб, айниқса операция жараёнларида у кишининг хушёрлик, чуқур билим ва эътиқод соҳиби эканликларига, қолаверса, фидойиликларига тан берган эдим. Менга ана шундай инсон устозлик қилганидан фахрланаман. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида менга Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонининг берилишида устозларим, академик Восит Воҳидов, профессорлар Лев Хачиев, Феруз Назиров ва Абдуҳаким Хаджибаевларнинг ҳиссалари беқиёсдир.

– **Бугунги кунда республикамиз тиббиёт тизимида, шу билан бирга жумладан, қизилўнғач, ошқозон-ичак хирургияси касалликлари бўйи-**

ва уларнинг вилоят филиаллари, ихтисослаштирилган марказлар ва 3 мингга яқин қишлоқ врачлик пунктларининг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келаётганлиги ҳам ютуқларимиздан биридир.

Марказимиз республикамизнинг энг етакчи клиникаларидан бири ҳисобланиб, барча зарурий шароит ва имкониятлар, қолаверса, ноёб технологияларнинг мавжудлиги, салоҳиятли кадрлар билан таъминланганлиги касалликларнинг олдини олиш ва уни даволашда катта аҳамият касб этиб келмоқда. Қизилўнғач ва ошқозон-ичак касалликлари хирургияси бўлимида ҳам беморлар учун етарли шароитлар яратилган бўлиб, малакали мутахассисларимиз томонидан мураккаб операция жараёнлари амалга оширилмоқда. Олдинлари қизилўнғач ва ошқозон-ичак касалликлари операциялари уч-тўрт босқичда ўтказилар эди. Эндиликда эса янги технологиялар асосида операция бир босқичда бажарилмоқда. Ноёб

Устозга эҳтиром

Олимжон ҒУЛОМОВ,

қизилўнғач ва ошқозон-ичак касалликлари хирургияси бўлими шифокори, тиббиёт фанлари номзоди:

– Устоз отангдек улғу, деган ҳикматли сўзда чуқур маъно борлигини касб фаолиятим давомида англаб етдим. Зайниддин Маҳаматовичдаги барча эзгу фазилатларни ҳурмат қиламан. У кишидан касбимга бўлган иштиёқни, янгиликлар сари изланишни, хушёрликни ва шижоатни ўргандим. Айниқса, операция жараёнларида устозимнинг синчковлик билан ўтказаетган амалиётлари, бор билим ва маҳоратларини ишга солишлари хирургия соҳасида мукамал ишлай олишига катта имконият бермоқда. Зайниддин Маҳаматовичнинг яна бир хислати беморлар билан илиқ муносабатда бўлиб, уларга руҳий мадад беришларининг ўзи дардманд қалбларни хасталикдан фориг этади. Фан номзоди бўлиб етишишимда Зайниддин Маҳаматовичнинг ҳиссалари жуда катта. Устозимнинг бундай нуфузли муқофотга муносиб кўрилганлиги биз шогирдлар учун фахр бўлди. Албатта, бундай юксак унвонга сазовор бўлиш осон эмас. Бу устозимнинг машаққатли меҳнатларининг маҳсули деб биламан ва уларни «Ўзбекистон Қаҳрамони» бўлганликлари билан самимий қутлайман.

Руслан ЛИГАЙ,

қизилўнғач ва ошқозон-ичак касалликлари хирургияси бўлими катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди:

– Устозимизга берилган нуфузли унвон барча қатори мени ҳам мамнун қилди. Зайниддин Низомходжаевдаги оддийлик, камтарлик, фидойилик, чаққонлик, шижоат ва касбга бўлган муҳаббатини ҳурмат қиламан. Иш ва операция жараёнларида учраб турадиган мураккаб вазиятлардан бизни зукколик билан олиб чиқиб кетадилар. Шунингдек, ёш мутахассислар меҳнатини қўллаб-қувватлаб, ёрдамларини аямайдилар. Айни пайтда устозим докторлик диссертациямга раҳбарлик қилмоқдалар. Зайниддин Маҳаматович сазовор бўлган давлатимизнинг юксак муқофоти марказ жамоаси учун катта ютуқ бўлди. Шу ўринда мен ҳам устозимнинг машаққатли кириб келаётган янги йил барчамиз учун омадли бўлишига тилакдошман.

шида қилади. Қаранга, бир шоира шундай деган экан: «**Дунёда ажойиб, илоҳий сўзлар борки, уларни эшитганимизда етмиш икки томиримиздан қон бирла нур оқади, руҳимизда эса жаннат сувларининг ороми қалбларни мавжлантиради. Бу – Она, аёл, муҳаббат деган улғувор сўзлардир**». Юқоридаги фикрларимни баён қиляпману, айна пайтда 91 ёшни қарши олган онажонимнинг қувонч кўзёшларини янада дилдан ҳис этдим. Юксак унвонга сазовор бўлган куним онажоним қўлларини дуога очиб, Юртбошимизга ўз мамнуликларини билдириб, истиқлолимизга шукроналар келтирдилар.

Эътироф этиш жоизки, Зайниддин Низомходжаев мамлакатимиз

лигимизнинг 23 йиллиги арафасида унга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон – «Олтин юлдуз» кўкрак нишонини тақдим этган Президентимизга яна бир бор ўзининг чексиз миннатдорлигини билдирди.

Биз қаҳрамонимизнинг йиллар давомидаги машаққатли меҳнатларининг бир қисминини гина ёритдик, холос. Айни кунда Зайниддин Низомходжаев турмуш ўртоғи – стоматолог Ҳамидоҳон билан уч нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Ўғиллари Шарофиддин офтальмолог, Шамсиддин эса пластик жарроҳлик бўйича мутахассис. Улар ҳам ота-оналари каби халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқдалар.

Сўхбатимиз якунида Зайниддин Маҳаматович барча тиббиёт ахлини кириб келаётган янги йил билан қутлаб, уларга оилавий хотиржамлик ва яхши кайфият ёр бўлишини тилаб қолди.

Сўхбатдош Ибодат СОАТОВА. Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Соғлиқни сақлаш тизимида

**ЙИЛ САРҲИСОБИ: ТАҲЛИЛ,
ЭЪТИРОФ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР**

Халқимизда ўтаётган йилни сарҳисоб, фаолиятларни танқидий ва ижобий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, эришилган муваффақият ва камчиликларни ўрганиш, бу борада мақсадли режалар тузиб, келгуси йил учун мустақам пойдевор тайёрлаш яхши анъанага айланган. Ҳар йилнинг ўзига хос номда аталиши ҳамда унинг замирида давлатимиз тараққиёти ва ривожланишининг муҳим асоси уйғун ётганлигини соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кузатишимиз мумкин. Мазкур йўналишда газетамиз саҳифаларида йилнинг энг муҳим воқеалари ва янгилликлари чоп этиб келинди. Эътиборингизга ушбу тадбирларнинг қисқача мазмун-моҳиятини яна бир қарра ҳавола этамиз.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишлаб сўзлаган "Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир" номи маърузасида "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросига алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, маърузада соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган вазибалар, йирик лойиҳалар, бунёдкорлик ишлари эътироф этилди.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори болаларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Соғлом ва мустақам оилаларни барпо этиш соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўриқдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, шу асосда ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказадиган поликлиникалар замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Энг муҳими, янги оила қураётган 2 мингдан ортқ ёшларда турли касалликлар аниқланиб, улар амбулатор ва стационар шароитда даволанди. "Соғлом она – соғлом бола" лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўриқдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базиси ва кадрлар салоҳиятини мустақамлаш борасида эса 137 та тиббиёт муассасасида, жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, Андижон шаҳридаги туғруқ комплекси, Тошкент шаҳридаги болалар санаторийси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси бўлими ва бошқа соғлиқни сақлаш масканлари қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, хорижий молия институтларининг 28 миллион 500 минг долларлик кредит ва грант маблағлари ҳисобидан туман тиббиёт бирлашмалари, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, онкология муассасалари, вилоят шифохоналари замонавий даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Шу билан бирга, бугунги кунда юртимиздаги етакчи клиника ва тиббиёт марказларида энг илғор технологиялар ёрдамида ноёб операциялар

амалга оширилмоқда. Масалан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган мураккаб операциялар туфайли 100 нафар боланинг эшитиш қобилияти тикланди. Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуасида эса сўнгги икки йилда 5 минг 200 нафардан ортқ бемор жарроҳлик операциялари бажарилмасдан туриб даволанди.

Юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида бу йил миллий эмлаш календарига ротавирус вакцинаси киритилиб,

ликни ошириш ва уларни эрта аниқлаш борасида услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, онкологик диспансерлар базасида онкогенетик хизматни ташкил қилиш ва тиббий-генетик маслаҳат уюштириш, скрининг текширувларини ўтказиш мақсадида кадрлар тайёрлаш учун моддий-техник базани ташкил қилиш ва мустақамлаш.

Йилнинг энг катта лойиҳаси: «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «**Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!**» шиори остида бутун мамлакатимиз бўйлаб босқичли саломатлик ҳафталиги ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад мутахассис-шифокорлар иштирокида юртимизнинг барча ҳудудларида яшайдиган хотин-қизлар, фертил ёшдаги аёллар, нуруний онахонлар, болаларимизни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратишдир.

Аҳолига тез ҳамда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида фаол меҳнат қилаёт-

ўтди. Ҳар беш йилда ўтказиладиган ушбу съезд неврологиянинг барча асосларини ўрганиш ва ўргатиш, ўзаро тажриба алмашиш, даволаниш усуллари тарғиб этиш, клиник жараёнларини таҳлил қилиш ва ҳамкорлик ўрнатиш каби қатор масалаларга бағишланди.

24-26 июнь кунлари «Ҳамшира – 2014» республика кўрик-танловининг якуний босқичи Сирдарё вилоятида бўлиб ўтди. Унда ғолиб ҳамширалар ташкилотчиларнинг махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

2014 йилнинг 22 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент Давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва институтининг республика минтақаларидаги филиаллари ташкил этилди.

Президентимиз ташаббуси билан Урганч шаҳрида 28-29 октябрь кунлари «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиси» кўкрак нишони билан тақдирланди, йилдан-йилга анъанага айланиб бораётган «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти», «Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими», «Энг яхши патронаж ҳамшира», «Энг яхши умумий амалиёт шифокори», «Энг намунали оилавий поликлиника» номинациялари бўйича танловларда ўз туман ва вилоятларида ғолибликни қўлга киритганлар эътироф этилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Тошкент шаҳрида «Ўзбекистонда болалар соғлигини муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари ва модернизацияси» мавзусида Ўзбекистон педиатрларининг VII съезди бўлиб ўтди. Съезд доирасида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлимларининг очилиш маросими бўлди.

Ноябрь ойида Тошкент шаҳрида «Саломатлик – 2020» мақсадларига эришиш: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Маълумки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси томонидан инсон саломатлиги ва келажак авлод камолотига салбий таъсир этаётган тиббий-ижтимоий, иқтисодий, экологик муаммоларнинг олдини олишга йўналтирилган «Саломатлик – 2020» стратегияси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида **Сирдарё вилояти Онкология диспансерининг** янги биносида очилиш маросими бўлиб ўтди.

21 декабрь – мамлакатимиз ҳаётида унутилмас воқеага айланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Ушбу сиёсий жараёнларда аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан тиббиёт ходимлари ҳам фаоллик билан қатнашдилар. Депутатликка номзодларнинг аксарият қисми тиббиёт ходимлари экани қувонарли, албатта. Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳоли орасида тиббий маданиятни шакллантириш, тизимнинг янги истиқболдаги қонунчилик базасини такомиллаштиришда кўрсатилган номзодлар орасидан муносиб депутатларни танлаб олиш, халқимизда сайлаш маданияти юксак эканлигини кўрсатди. Сайлов кунини тиббиёт хоналари аҳоли хизматида бўлди.

Дарҳақиқат, инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари, турмуш фаровонлиги йўлида қилинаётган бундай эзгу мақсадли ишлар давлатимиз сиёсатининг устувор вазибаларидан бири эканлиги бугунга келиб ўзининг маҳсулини бераётганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир. Истиқлолимиз берган шуқуҳли кунлар ҳар биримизни умуминсоний қадриятлар сари, қалбимизни эса меҳр-оқибат ҳамда нурли манзиллар томон етаклайверади. Шу боис, юртимизда 2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинди.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Демак, доимий изланиш, янгилликлар сари интилиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи ва масъулиятидир. Мана, 2015 йил ҳам эшик қоқмоқда. Мазкур йилда бошлаган эзгу ва хайрли ишларимизни давом эттириб, муваффақият ҳамда самарали натижалар сари олға қадам ташлашимиз лозим.

Намоз ТОЛИПОВ.



қарийб 300 минг бола ушбу вакцина билан эмланди. Мамлакатимизда ногирон болалар туғилишининг олдини олишдек олижаноб мақсадни амалга оширишда республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган, нуфузи ва самараси тобора ортиб бораётган скрининг марказларининг роли муҳим ўрин тутмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида ушбу марказлар томонидан 20 мингдан ортқ нуқсонли бола туғилишининг олдини олди.

Тошкент шаҳрида тўртинчи, яъни энг юқори даражада кўп тармоқли замонавий болалар шифохонасини қуриш ва жиҳозлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Корей Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит шартномаси имзоланганиб, ушбу тиббий марказ 2017 йилда ишга туширилади.

Жорий йилнинг 30-31 январь кунлари Беларусь давлатининг пойтахти Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари эксперт гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Украина ва Ўзбекистон давлатларидан масъул вакиллар ҳамда МДҲ Ижроия қўмитаси ходимлари иштирок этишди.

Унда саратон скрининги ва эрта ташхислаш бўйича қуйидаги вазибаларни амалга ошириш режалаштирилди: кўкрак беши, бачадон бўйни саратони, колоректал саратон, простата беши ва бошқа саратон турлари бўйича скрининг текширувини ташкил қилиш ва назорат, тиббиёт ходимларига бирламчи тиббий-ижтимоий кўмак сифатида хавфли ўсмаларга эҳтиёткор-

ган соҳа мутахассислари хизматини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида танлов якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Кўриқлановда «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

Жорий йилнинг 14 март кунини академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида Соғлиқни сақлаш вазирилик ёрдамида ва «Мед-Троник» (АҚШ) компанияси ҳамкорлигида «Юрак ишемик касаллигини даволашда юқори технологиялар қўлланилган замонавий усуллар» мавзусида илмий-амалий семинар **илк маротаба онлайн тизимида коронар стентлаш ва коронар шунтлаш операцияларининг тўғридан-тўғри трансляцияси амалга оширилди.**

Халқаро эътироф: Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош ассамблеянинг 68-сессияси расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Жорий йилнинг 24 апрель кунини пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан «**Онкогематология беморлари диагностикаси ва давосидаги янгилликлар ҳамда трансфузиологиянинг долзарб муаммолари**»га бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

22-23 май кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон неврологларининг V съезди бўлиб

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

АСРИЙ ҚАДРИЯТНИНГ БУГУНГИ ИФОДАСИ

Бугун бутун дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган Ўзбекистон тараққиёти ва фаровонлигининг ҳуқуқий қафолатига айланган, “айнан ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган”, “ўзбек модели”нинг нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигига асос бўлиб хизмат қилаётган Асосий Қомусимиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигини кенг жамоатчилик кўтаринки руҳ ва юксак шодиёналар билан кутиб олди. Энг муҳими, мана шу қутлуғ байрам шодиёнларида ва унга бағишланган тантанали маросимда муҳтарам Президентимиз маъруза билан чиқиб, ижтимоий ҳаётимизнинг энг гўзал анъанасига айланган, ҳар йили халқимиз интиқлик билан орзиқиб кутиб оладиган навбатдаги йилга ном берди. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кириб келаётган 2015 йил мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили”, деб эълон қилинди.



Минг йиллар давомида шаклланган халқимиз қалб оламининг энг табаррук туйғуларидан, ардоқли тушунчаларидан бири бу – эъзозлашдир. Умуман, инсонни эъзозлаш, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини қадрият деб билиш, Ўзбекистон сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг фақатгина ўзига хос қиёфаларидан бири эса, кексаларга, ёши улуг инсонларга алоҳида ҳурмат кўрсатишида ҳам намоён бўлади.

Юртбошимиз “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимиз қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир” деб номланган маърузаларида бу масалани атрофлича изоҳлаб, қуйидаги фикрларини билдириб ўтди: “Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янглишмаган бўлаемиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган”. Айни ҳақиқат: кексаларимизни эъзозлаш, қадрлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳар бир ўзбекнинг оиласида деярли ҳар куни сингдириладиган тарбия. Шу боис, Президентимиз маърузаларида: “Бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканлигимизни унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим”, дея алоҳида таъкидлади.

Бу бетимсол матонат соҳиблари меҳр-муҳаббат, ишонч ва садоқатни юксак қадрлаб келаётган меҳрибон бобо-момоларимиз халқимизга кушойиш тилаш билан бирга, ёшларни ҳам бир-бирларига муруватли, оқибатли бўлишдек мўътабар қадриятларимизни эъзозлашга қақиради.

Маърузада қайд этилганидек: “Бугун кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар – шунга эътибор беринг – 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим”.

Булар халқимизнинг фахрли ва ардоқли кишиларидир. Уларга ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром кўрсатсак, камлик қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, аслида кексаларимизни эъзозлаш халқимизнинг энг азалий қадриятлари сирасига кирди. Шундан келиб чиқиб, давлатимизнинг барча даражадаги ташкилотлари кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар иштирокида халқ орасида инсоний фазилятлари ва ахлоқий хусусиятлари билан ўзига хос обрў-эътибор қозонган тажрибали инсонлар, олим узиёлилар билан учрашувлар ташкил этиб, шу орқали уларга иззат-икром кўрсатишимиз ва ёшларимизда уларнинг ибратли ҳаёт йўлини тарғиб-ташвиқ этишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг ёки шундан келиб чиқиб жойлардаги маҳаллий Дастурларнинг ишлаб чиқилишида ва унинг самарали ижро этилишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу билан биргаликда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтлари билан ижтимоий шерикликни фаол амалга оширишимиз керак. Айниқса, бунда барча даражадаги депутатларимиздан, партиянинг етакчи ва фаолларидан кўпроқ масъулият ва ташаббускорлик талаб қилинади.

Узоқ йиллар давомида Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган кекса ватандошларимизнинг ибратли ҳаёт йўли

ҳақида оммавий ахборот воситаларида туркум чиқишлар ташкил этмоғимиз лозим.

Маърузада баён этилган: “Ватанимизнинг мусоффо осмонини асрашда, ҳар қандай офатларни остонамизга йўлатмасдан ҳимоя қилишда кекса авлод вакилларининг қандай жасорат кўрсатгани, фронт ортида меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшгани, мамлакатимизни тиклаш, унинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маънавий салохиятини оширишда нуроний кексаларимиз намоён этган фидойиликни биз ҳамиша катта миннатдорлик билан эслаймиз” деган сўзлардан келиб чиқиб, жойларда, айниқса, узоқ туман ва қиш-

лоқларда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳолидан хабар олиб, улар даврасида ёшлар билан маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ёшларнинг қалбига ва онгига кексаларни эъзозлашга, уларни қадрлашга қаратилган янги-янги замонавий лойиҳалар ишлаб чиқиб, уни амалиётга самарали татбиқ этиш керак.

Демак, бу бурч ўз навбатида фуқаролик масъулиятини пайдо қилади. Фуқаролик масъулияти юқори ёшларда жамиятда рўй бераётган барча ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғуси юзага келади.

Намоз ТОЛИПОВ.

СИЗ БОРСИЗКИ, ДИЛЛАР ХУШНУД, ШОД

Юртимизнинг файзи, жамоли,
Бахти, тахти, кўрки камоли,
Фариштаси, нурли иқболи,
Бамисоли шакари, боли,
Отахонлар салом, ассалом,
Онахонлар салом, ассалом!

Ёши улуг, кўп тўйлар кўрган,
Эл ичида не ўйлар сурган,
Дарёларни чўлларга бурган,
Ўз аҳдида мардона турган,
Отахонлар салом, ассалом,
Онахонлар салом, ассалом!

Сиз борсизки, давралар обод,
Сиз борсизки, элимиз озод,
Сиз борсизки, диллар хушнуд, шод,

Ҳар қадамда янгилик бунёд,
Отахонлар салом, ассалом,
Онахонлар салом, ассалом!

Ўзбекистон – мардлар макони,
Олам аро тинчлик кўргони,
Борки Сиздек марду майдони,
Осудаир еру осмони!
Отахонлар салом, ассалом,
Онахонлар салом, ассалом!

Сиз билганни билмас парилар,
Сизни кўрсак, кўнгил юксалар,
Искандар дер: «Тургунча башар,
Бўлинг омон, азиз кексалар,
Отахонлар салом, ассалом,
Онахонлар салом, ассалом!»

Искандар РАҲМОН.

Дил изҳори

ҚАЛБИНГИЗ ОҚ ЛИБОСИНГИЗ КАБИ БЕҒУБОР БЎЛСИН

Ҳаёт борки, инсон бор, инсон борки, у иссиқ жон, албатта танасида бир дард, баъзи бирларида эса носоғломлик бўлиши табиий. Кимдир тугма ногирон, кимдир кўча тасодифлари сабаб, автоҳалокат туфайли бир умрга ногирон бўлиб қолади.

Баъзи бир беморларни даволаб тузатиш, ўз оиласи, сеvimли иши ва касбига қайтариш мумкин, аммо имкониёти чекланган ногиронларга нафақат даво, балки уларнинг ўксик қалбларига фақат ширин сўзу яхши муомаланинг қанчалик таъсири борлигини барчамиз яхши биламиз. Ана шундай ўксик қалбларга малҳам бўлаётган шифокору

ҳамширалар, ишчию ходимларни “Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази”нинг иккинчи худудий бўлимида кўплаб учратиш мумкин. Марказ дарвозасидан бино ичига кирар экансиз, ошхонаю муолажа хоналарининг озодлиги ва ногиронларга имкон қадар қулай шароитлар яратилганини кўриб, Аллоҳга шукроналар келтирасиз.

Қалби кемтик инсонларга ҳамдард бўлаётган ширинсўз шифокорлар Дилмурод Рўзиев, Вафо Амонов, Рустамжон Ҳасанов, Сайфулла Ибрагимов, Аҳмаджон Миракаев, Элёр Эшиев, Мухтор Абдуолимов, қўли енгил ҳамширалар Хусния Му-

сақулова, Умида Фаниева, Азиза Азизова, Ширин Абдужабборовва, Гулнора Содикова, уқаловчи ҳамширалар Шоҳиста Юлдашева, Сабина Жўраева, физиотерапия бўлимидаги Ҳалима Жалолова, Маъмура Юсупова, Нодира Қосимова, ЛФК хонаси ҳамширалари Фарида Мирзамухаммедова, Гулшан Алматова, қолаверса ушбу аҳил жамоанинг бирдамлик билан ишлашига камарбаста бўлаётган марказ раҳбари Асқар Мўминовларнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ десак, муболағга бўлмади.

Юртимиз узра янги йил шуқуҳи кезаётган ушбу муаззам кунларда марказнинг барча тиббиёт ходимларидан

даво топаётган Нигора Каримова, Наргиза Муродова, Облоқул Шодмонов, Мастура Муҳитдинова, Манзура Қаршибоева, Азиза Тавбаева, Насиба Ишмухаммедова, Ҳамида Эгамбердиеваларнинг дил изҳорларини етказган ҳолда уларни ва юртимизнинг барча тиббиёт ходимларини кириб келаётган янги йил байрами билан чин қалбимиздан қизғин ва самимий қутлаймиз.

Қўлингиз асло дард кўрмасин, қалбингиз ҳамиша оқ либосингиз каби беғубор ва нурли бўлсин, азиз ва муҳтарам шифокорлар деб қоламиз!

Тиловат СОАТОВА.

Байрам шукуҳи

ДАСТУРХОН АТРОФИДА ШОДУ ХУРРАМЛИК

Юртимиз бўйлаб янги 2015 йилни кутиб олишга тараддуд кўрилмоқда. "Ҳашпаш" дегунча яна бир йилни ниҳоясига етказдик. Вақтнинг тезкорлиги, инсониятга бўйсунмаслиги ҳар биримизнинг кўнглимиздан ўтаётган бўлса, не ажаб. 2014 йил ҳам тарих саҳифаларига муҳрланмоқда. Остонамизда XXI асрнинг яна бир йили эшик қоқиб турибди. Янги йил тантаналари

рени ўзга байрамлардан фарқли равишда шоду хуррамлик билан безатилган арча ва ноз-неъматларга тўлиқ дастурхон атрофида кутиб олишнинг завқи ўзгача. Барча касб эгалари қатори соғлиқни сақлаш тизими соҳаси ходимлари юз-кўзида ҳам талассум, улар бир-бирлари билан дийдорлашар экан, энг самимий ва тоза тилакларини изҳор қилмоқдалар...



Гули ТУРСУНОВА,
Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги 31-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори:

– Зангори кўчасида истиқомат қиламиз. Байрам тайёргарлиги уйимизда арча безатишдан бошланади. Фарзандларим Феруза, Мирсаид, Гулноза, Наргиза ўз кўллари билан қирқиб ясаган ўйинчоқларини арчага осиб қўйишади. 75 ёшни қарши олган қайнонам Рисолат Турсунова кўп йиллар пойтахтимиздаги 27-оилавий поликлиникада ҳамшира бўлиб фаолият кўрсатганлар, ҳозир эса нафақада. Қизлари Барно ва ўғиллари Мирсоҳидлар қайнонамнинг ҳолидан хабар олиш учун хонадонимизга тез-тез ташриф буюришади. Неваралари сони 11 нафарга етган қайнонам 2 нафар эвара ҳам кўрдилар. Албатта, бир авлод вакилларининг дастурхон атрофида йиғилиб, хурсандчилик қилишига алоҳида тайёргарлик кўрмасангиз бўлмайди. Чунки ўзбек халқида меҳмон улуг, унинг ҳурмати уни ҳамшира жойига қўйиш керак.

Шифокор бўлганим боис, кечки пайт ҳазм бўлиши қийин ош, манти, сомса каби таомларни истеъмол қилиш нафақат қариялар, балки ёшларга ҳам тавсия этилмаслигини яхши биламан. Хонадонимизда нишонланадиган янги йил байрамининг олд таоми – норинни тайёрлашга вақтлроқ киришаман. Қизларим бу ишда менга кўмақдош. Уйимизга кириб келган меҳмонлар учун сабзавотли, гўштли ва майонезли салатнинг бир неча хилини тортиб, суяк таомдан сўнг сомса, норин келтирамиз. Бу таомларни кечки соат 6-7 ларда истеъмол қилган маъқул. Ширинлик, мева шарбати, қуруқ ме-

валар овқат ҳазм қилиш хусусиятига эга бўлиб, дастурхонимизга ўзгача кўрк бағишлайди. Олма, анор, ноқдан ташқари апельсин, мандарин, лимон, ананас каби тропик мамлакатларда етиштирилган мева хилларини фарзандларим ҳам, меҳмонлар ҳам хуш кўриб тановул қиладилар. Янги йилнинг кириши арафасида барчамиз ҳаяжонланамиз. Оиламизнинг устунни, дуоғўйи дуога қўл очади: "Юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурсин, кириб келаётган янги йил барчамизга бахт, омад келтириб, тану жонингиз соғ, умрингиз зиёда бўлсин".

Нарзулла ХОЛМАТОВ,
Сурхондарё вилояти Музработ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси тиббий назорат комиссияси раиси:

– Туманимиздаги қайси хонадонга борманг, 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси кутиб олинадиган янги йилни тантанали қарши олишга ҳозирлик кўриладиганига гувоҳ бўласиз. Албатта, ҳар бир оиланинг яшаш тарзи, шарт-шароити ва даромадлари ҳар хил. Аммо мен истиқомат қилаётган «Обод турмуш» маҳалласининг катта-кичиги, эрқагу аёли, ёш қариси хурсандчилик ҳамда бир-бирига ҳазил-мутойиба қилишни яхши кўради. Демак, байрамларнинг бўлгани яхши, чунки хурсандчилик одамларни бир-бирига яқинлаштиради ва дийдорлаштиради. 31 декабрь куни 9 нафар фарзандимнинг 24 нафар ўғил-қизлари – невараларим қуршовида рафиқам Холдона билан яна бир йил яхши яқунлангани, янги йилни қарши олаётганимиз учун шукрона келтирамиз.

Янги йил дастурхонига Сурхон воҳасида албатта, тандир кабоп пиширилади. Меҳмонхонамизга қўйилган хонтахтада Сур-

хон воҳасининг таоми – тандир кабопи бўлса, суҳбат янада қуюқ тус олади, йил мобайнида амалга оширилган ва оширилмаган ишларимиз муҳокамаси давом этади. Янги йил дастурхонини безашда келинларим Сурайё ва Сарвинознинг пазандалик маҳорати кўзга ташланади. Дастурхонни ноз-неъматлар билан тўлдиришда ўз томорқамизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларидан фойдаланамиз. Безатилган арча атрофида ҳар биримизнинг ҳаётимизга меҳмон бўлиб келаётган янги йилни аъло кайфиятда кутиб оламиз. Ўзбекистон телерадиокомпанияси тармоқлари орқали узатиладиган Президентимизнинг Ўзбекистон халқига байрам табригини файзу баракага тўлиқ дастурхон атрофида диққат-эътибор билан тинглаймиз. Табрикдаги энг самимий тилаклар замирида бунёдкор халқимизнинг сиҳат-саломатлигини сақлашдек эзгу мақсадлар мужассам. Соат миллари 24.00 га етганда, барча оила аъзоларимиз бир-бирларини кириб келган янги йил билан қутлайдилар.

Гулнора ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Юнусобод туманидаги 56-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори:

– Барча ўзбек хонадонларидеги сингари бизнинг оиламизда ҳам байрамларни аъло кайфиятда кутиб олиш аълога айланган. Айниқса, янги йил тантаналари ҳар биримизни вақт билан ҳисоблашишга, ўтаётган йилнинг қадрини сўрашга ундагидек бўлади. Дарҳақиқат, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси таъминланиши биз шифокорларни вақтдан унумли фойдаланишга ундади, десам муболага бўлмайди. Мана, йил ниҳоясига етди, ҳар бир инсон энгил тин олмоқда. Қайси касб эгаси ва қайси манзилда яша-

шидан қатъи назар, янги йил оқшомини хуш кайфиятда ўтказиш, яқин кишиларига энг эзгу тилакларини изҳор қилиш нияти ҳар бир инсонга хос. Жумладан, мен истиқомат қилаётган Фирдавсий номли маҳалладаги ҳар бир оилада янги йилни кутиб олиш учун энг тансиқ таом ва салатлар тайёрланиб, дастурхон ясатилади. Хонадонимизга ташриф буюрган уч нафар қизимиз, куёвларимиз ҳамда 6 нафар неварамиз, шунингдек, кенжа ўғлимиз Абдуазимлар бувибуваси, аммалари билан байрамни хуш кайфият билан нишонлаб, яхши тилак ва истакларни бир-бирига изҳор қилишади.

Кириб келаётган 2015 йил ҳар бир оилага соғлиқ, омад ва фаровонлик келтиришини чин дилдан тилаб қоламан.

Маърифжон АСҚАРОВ,
Бувайда тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси тери-таносил касалликлари шифокори:

– Мен Фаргона вилоятининг Бувайда туманида таваллуд топганман. Болалигим ўтган масканим истиқлолимиз шарофати билан ўзгача қиёфа ва гўзаллик кашф этган. Бу албатта, давлатимиз раҳбарининг инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига бўлган эътибори ва ғамхўрлиги деб биламан. Айниқса, Юртбошимизнинг ҳар йилни ўзгача ном билан аташлари за-

мирида ҳам эзгу ниятлар ётганлиги барчамизни қувонтиради. Шундай экан, 2015 – Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинишини эшитган 86 ёшни қаршилаган волидаи муҳтарамам кўзларига севинач ёшларини олиб, кўллари дуога очдилар. 6 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган раҳматли отамиз ва бугунги кунда бизларнинг камолимизни кўриб яшаётган онажонимиз уйимизнинг файзидир. Янги йилни ҳар йили оила аъзоларимиз билан хуш кайфиятда кутиб оламиз. Акаларим Носиржон ва Нўрмонжонлар ҳам аънага айланган ҳар бир байрамда оила аъзолари билан хонадонимиз меҳмони бўладилар. Шу тариқа байрамона безатилган дастурхонимиз атрофида оиланинг жамулжам бўлиши ҳамда эзгу ниятларнинг билдирилиши келгуси йилимизнинг баракали келишига замин яратади.

Янги 2015 йилни кутиб олиш ниятида бўлган мамлакатимизнинг барча тиббиёт ходимларига эзгу тилаклар ёр бўлсин.

Дарҳақиқат ҳар бир суҳбатдошимизнинг дил сўзларида Юртбошимиз ва истиқлолимизга бўлган шукроналик уфуриб турганлигининг ўзи ҳаммамиз учун катта бахт.

Хулқар КУЗМЕТОВА.

Орамиздаги одамлар

ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛГАН ЭЪЗОЗЛАНАДИ

Тиш оғриги безовта қилмаган киши топилмаса керак. Нотўғри овқатланиш, оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилмаслик ва бошқа сабабларга кўра, айрим кишиларда стоматологик касалликлар юзага келади. Бундай пайтда унинг жонига фақат шифокор-стоматологгина оро қиради. Ўзининг 20 йиллик меҳнат фаолияти давомида кишиларга тиббиётнинг ана шу йўналиши бўйича хизмат қилиб келаётган шифокор Низомжон Исломов бундан кўра чуқурроқ ҳис қилади.

Тошкент стоматология институтининг стоматология факультетини 1994 йилда тамомлаган Низомжон Исломов Ургут тумани аҳолисига сидқидилдан хизмат қилиб келаётган кўнгли тоза, қўли энгил шифокорлардан биридир. Туман тиббиёт бирлашмасининг стоматология бўлимига бирор иш юзасидан келиб қолган инсон бу ерда ҳамшира кўплаб кишилар навбатда турганини кўради. Тор доирадаги бошқа мутахассислардан фарқли

ўлароқ, стоматолог ҳар бир беморнинг оғиз бўшлиғини синчиклаб кўздан кечиради, милки соғломми, қариеснинг даражаси қандай, пломбалаш мумкинми, ўз хулосасини чиқаради.

– Тиш касалликларини наридан-бери, энгил-елпи даволаб бўлмайди. Шу нарса менда афсус уйғотадики, кўпчилик тиш касалликларининг бошланғич даврида эмас, зўрайиб ёки кучайиб кетган пайтида бизга келиб мурожаат қилишади. Тишнинг эмаль қатлами еми-

рилиши билан ҳар бир кишида қариес касаллигининг илк аломатлари бошланади. Бор-бора у ўрта ва чуқур қариесга айланади. Чуқур қариесни даволаш эса анча қийин. Шундай бўлса-да, мавжуд имкониятларни ишга солиб, беморларни даволашга ҳаракат қиламиз. Бир йилда ўртача 3-3,5 минг нафар кишига стоматологик хизмат кўрсатамиз. Ургут тумани бўйича 470 минг аҳоли истиқомат қилади ва туман тиббиёт бирлашмасидан ташқари, 50 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд. Бирламчи бўғим шохобчаларида тиш касалликлари бўйича кичик мутахассислар беморни кўздан кечириб, зарурий тиббий ёрдамни кўрсатиб, ишнинг қолган асосий қисмини бизга йўллашади. Биз бу ерда ёшидан қатъи назар, ҳар бир кишига стоматологик кўмак уюштирамиз, – дейди стомато-

лог Низомжон Исломов.

Қаердаки, хизмат кўрсатиш учун энг зарурий ва замонавий технологиялар мавжуд бўлса, ўша ерда норозиликка ўрин йўқ. Стоматологлар оиласи меҳнат қилаётган хона доимо саранжом-саришта, батартиб. Асбоб-ускуналар тоза-озода сақланади, зарарсизлантирилади. Дори-дармон воситалари яроқлилик муддатига қараб ишлатилади. «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича стоматология бўлимига 2011 йилда 1 комплект стоматология жамламаси келтирилган эди. Айни пайтда беморларни даволашда ушбу воситадан унумли фойдаланилмоқда.

– «Соғлом бола йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлашга ҳисса қўшиб келаямиз, – дейди стоматолог-шифокор Хуршидахон Исломова.

– Аввало, қишлоқ врачлик пунктлари умумий амалиёт шифокорлари билан ҳамкорликда болалар ва ўсмирларни стоматологик кўриқдан ўтказдик. Улар орасида тишлари жиддий даволанишга муҳтож бўлган 100 нафар ўсмирни аниқладик. Навбати билан болаларни соғломлаштирдик.

Дарвоқе, ўз касби, малакаси, билим ва тажрибасини эл саломатлигига бағишлаш ҳам савоб, дейдилар. Исломовлар оиласини Ургут туманида хурмат-эҳтиром билан тилга олишларининг сабаби ҳам шунда бўлса керак. Оила соҳибларининг уч нафар ўғли бўлиб, уларнинг бири ота-онаси изидан кетди. Ота-онаси ёнида фарзанднинг эл хизматида бўлиши яна ҳам яхши.

Узоқ ОМОНОВ,
Самарқанд вилояти,
Ургут тумани.

Матбуот анжумани

ПОЙТАХТ АҲОЛИСИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ

Мамлакатимиз пойтахти – Тошкент шаҳри аҳолиси йилдан-йилга ошиб бораётгани тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва салмоғи янада ортишини тақозо қилади. Статистик маълумотларга кўра, пойтахтимизда истиқомат қилувчи кишилар сони айни кунда 2 миллион 350 мингга етди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўрсатмалари асосида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш бўйича муҳим ва устувор йўналишларда иш олиб бормоқда. Бошқарманинг жорий йилда амалга оширган ишлари бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигида матбуот анжумани ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари ходимларига бу ҳақда тўлақонли ахборот берилди.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов анжумани кириш сўзи билан очар экан, Ўзбекистонда Президентимиз раҳнамолиги билан тиббиёт соҳасига қаратилаётган жиддий эътибор ва ғамхўрлик натижасида эришилаётган ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос эканлигини алоҳида қайд қилди. Аниқ мақсад-мазмунга, тиббий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган Президентимиз Қарор ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юзлаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари амалиётга татбиқ этилиши муваффақиятлар омилли бўлмоқда.

Худудий жиҳатдан олиб қаралганда, Тошкент шаҳри 11 та тумандан таркиб топган бўлиб, ҳар бирида рўйхатга олинган аҳоли учун бирламчи тиббий хизмат кўрсатувчи

11 та кўп тармоқли марказий ҳамда 60 та оилавий поликлиника фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тузилмалар орқали 0 ёшдан бошлаб ҳар бир фуқаронинг соғлиғи назоратга олинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида”ги 2107-сонли Фармони асосан, бирламчи тизимда барча тиббий хизмат турлари бепул бажарилади. Жорий йилнинг март ойида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ўтказилган тиббий кўрикка 4624 нафар фуқаро, шу жумладан, 1156 нафар бола жалб этилиб, 77 нафар мутахассис-шифокор кўригидан ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Йил мобайнида эса “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида жами 2140,7 киши тиббий кўриқдан ўтказилиб, шундан 95,5 фоиз аҳоли соғломлаштирилди. 664,6 нафар бола мута-

хассис-шифокор назоратида бўлиб, касаллиги қайд қилинган болаларнинг 97,2 фоизиди турли муолажа жараёнлари ўтказилди.

Матбуот анжуманида бошқарма бошлиғи Бахтиёр Мамажонов пойтахт аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳақидаги барча маълумотларни слайд кўринишида шарҳлаб ўтди. Айниқса, тиббиёт муассасалари қиёфасини тубдан ўзгартириш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, кадрлар таъминотини яхшилаш каби масалаларнинг Инвестиция дастури доирасига киритилиши натижасида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда.

– 2012 йилда 8 та, 2013 йилда 10 та тиббиёт масканида қурилиш-таъмирлаш жараёни бажарилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда эса таъмирталаб бўлиб қолган 6 та тиббиёт муассасасида реконструкция жараёни бошланиб, Тузель мавзесида 1 та янги оилавий поликлиника ишга туширилди. Инвестиция дастури доирасидаги бунёдкорлик ишларига 25,0 миллиард сўм маблағ ажратилди ва йўналтирилди, – деди бошқарма бошлиғи слайдининг энг муҳим бандларидан бирини шарҳлаб.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги 11 та кўптармоқли марказий ҳамда оилавий поликлиникаларда фертиль ёшдаги аёллар саломатлиги қатъий назоратга олинган. Улар билан ис-талмаган ҳомиладорликнинг ол-

дини олиш, туғилган болани тўғри парвариш қилиш, вақтида эмлаш, мустақил ҳаётга муносиб тайёрлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Ана шунинг натижасида оналар ва болалар ўлимида ўсиш эмас, пасайиш кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари, кўптармоқли марказий поликлиникаларда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 365-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича масъул ходимлар бириктирилган. Ҳар бир марказий поликлиникада никоҳланувчи шахслар тор доирадаги мутахассислар кўригидан ўтиб, бўлғуси келин-кўёвга ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлган 5 та диспансердан ўтиши учун йўлланма берилмоқда. Жорий йилда 30515 нафар никоҳланувчи шахс шифокор кўригидан ўтиб, уларнинг айримларида аниқланган касаллик бўйича даволаш ишлари ўтказиб келинмоқда.

Йил бошида қабул қилинган Президентимизнинг “Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори бўйича Тошкент шаҳрида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Давлат дастурида соғлом болани вояга етказишнинг бир-бирини узвий тўлдирувчи бандлар борки, бунинг ижросига кенг жамоатчилик бош қўшиши керак.

Айнан ана шу дастур доирасида жорий йил бошидан маҳалла фуқаролар йиғини, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари кўмағида кўплаб тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари олиб борилди. 320 та мактабда, 118 та коллеж ва академик лицейда, 36 та олий таълим даргоҳида 8176 нафар шифокор ва 20 мингга яқин ҳамшира турли тиббий мавзуларда учрашув ўтказгани Давлат дастурини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бундан ташқари, Республика саломатлиги ва тиббий статистика институти ходимлари томонидан 11500 та буклет, рисола, эслатма тайёрланиб, турли аудиторияларга тарқатилгани аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш воситаси бўлди.

Матбуот анжуманида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг аҳоли саломатлиги муҳофазаси билан боғлиқ барча жиҳатлари тилга олиб ўтилди. Бошқарманинг масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтариб, улар томонидан билдирилган таклиф-мулоҳазаларни ўрганиб чиқишга ваъда бердилар.

Хулқар КУЗМЕТОВА.

Халқаро ҳамкорлик

СТОМАТОЛОГИЯ СОҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Истиқлолнинг инсонлар саломатлигини яхшилаш борасида берган имкониятлари, яратилган шарт-шароитлар, хусусан, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ кенг қамровли лойиҳалар йилдан-йилга такомиллашиб, ўз самарасини кўрсатмоқда. Чунки, даврнинг тубдан ўзгариши барча соҳалар каби тиббиёт тармоғини ҳам мисли кўрилмаган даражада ўзгаришига олиб келмоқда. Демак, бу янгиланишларда кенг қатламли аҳолининг бирдек иштироки, фаоллиги ва масъулияти юқорилигини кўриш мумкин. Шунингдек, хорижий ва маҳаллий тажрибалар кўламнинг кенгайиши баробарида мустақил Ўзбекистон дастлабки йиллардаёқ халқаро тиббиёт соҳасида ўз ўрни ва мавқеи, кадрлар салоҳияти билан мустақам аҳамият касб этмоқда.

стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илғор ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини жорий этиш, бўлажак стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини улар ўрганаётган амалий кўникмалар билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб борилиши кўзда тутилганлиги юрти-мизда стоматология соҳасининг истиқболли йўналишига қаратилганлиги диққатга моликдир. Тошкент Давлат стоматология институти ташкил этилгандан буён фаолиятлар изчиллиги янада ошиб, кўплаб хорижий давлатлар, яъни халқаро ҳамкорлар эътиборини жалб этиб келмоқда. Бунинг исботи сифатида айтиш жоизки, **шу йилнинг 9-11 ноябрь кунлари Жанубий Кореянинг Ёнесей университети стоматология факультети декани, профессор Кеун Ву Ли ҳамда Халқаро соғлиқни сақлаш Корея жамғармаси – KOFIN бош котиби Девид Сир ва бир гуруҳ корейлик мутахассислар Тошкент Давлат стоматология институтига ташриф буюриб ҳамкорлик қилиш борасида икки томонлама меморандумни имзолаган эдилар.**

Куни кеча Тошкент Давлат стоматология институтига Жанубий Корея миллий ассамблеясининг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожлантириш кўмитаси раиси Ким Чун ЖИ ҳамда Халқаро соғлиқни сақлаш Корея

жамғармаси – KOFIN бош котиби Девид Сир бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф буюришди. Ушбу ташрифдан кўзланган асосий мақсад – Корея ҳукуматининг расмий кўмағи орқали соғлиқни сақлаш тизимига грантлар ажратиш ва кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат бўлди. Аввало, меҳмонлар Тошкент Давлат стоматология институтининг “Стоматология” ўқув клиник модулида талабаларнинг назарий ва амалий жараёнлари би-

шига ишонч билдирди. Шунингдек, Тошкент Давлат стоматология институти ректори, профессор Нигмон Хабилов мазкур ҳамкорлик муносабатлари мамлакатимизда стоматология соҳасини янада такомиллаштиришда муҳим ўрин тутишини ва бу борада кўзланган режалар асосида институтнинг янги биносини бунёд этиш баробарида уни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш каби



Давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган эътибор юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин далилига айланиб бораётганлиги, албатта қувонарли ҳолдир. Айниқса, инсонлар саломатлиги ва турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида шу йилнинг 22 июлида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг “Тошкент Давлат стоматология институти ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши, шунингдек, кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилаётган эзгу ишларнинг мантиқий давоми десак, муболаға бўлмайди. Мазкур Қарорда стоматология соҳасида юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва



лан танишдилар. Учрашувда сўзга чиққан Жанубий Корея миллий ассамблеясининг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожлантириш кўмитаси раиси Ким Чун ЖИ мамлакатимизда бундай нуфузли Тошкент Давлат стоматология институтининг тақшил этганлигини мамнунлик билан тилга олиб, бу борадаги ҳамкорлик ишлари узвий давом эти-

вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Ушбу ташриф доирасида Тошкент Давлат стоматология институти янада ривожлантириш юзасидан кенг ҳамкорлик қилиш борасида музокаралар олиб борилди.

**Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи
Жасур ЖАЛИЛОВ.**

Ижтимоий фаолият

ТИББИЙ МЕХНАТ ЭКСПЕРТИЗА ТИЗИМИДА ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИ

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан ҳар бир соҳага бўлган эътибор бу албатта, инсон саломатлиги, унинг манфаатлари ҳамда турмуш фаровонлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу жумладан, ногиронларнинг жамиятдаги ўрни, саломатлиги ва тўлақонли ҳаёти учун республикамиз миқёсида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси томонидан хайрли ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси томонидан тиббий меҳнат экспертиза комиссияси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим жараёни ташкил этилганлиги мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган шифокор ва ҳамширалар касб маҳоратини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси республикамиз тиббий меҳнат экспертиза комиссияларида иш юритаётган ўрта тиббиёт ходимлари (ҳамширалар) малакасини ошириш учун ўқув курсини йўлга қўйганлиги улар фаолиятини тақомиллаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясида Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирларини ўтказиш вазифи сифатида қўйилган бўлиб, бу борада муайян ишлар қилинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 августдаги "Бош тиббий меҳнат эксперт комиссиялари тузилмасини янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги 241-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза

инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ҳар йили ажратилган бюджет маблағлари доирасида тиббий меҳнат экспертиза хизматининг тиббиёт ҳамшираларини Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ҳамда унинг минтақалардаги филиаллари базасида бепул асосда малака ошириш курсларида ўқишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Бугунги кунда тиббий меҳнат экспертиза тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан бир қаторда, республикамиз тиббий меҳнат эксперт комиссияларидаги ўрта тиббиёт ходимлари (ҳамширалар)нинг малакасини ошириш, уларни ўқитиш жараёнида ТМЭК тизимига хос амалий кўникмаларни ўргатиш ва ўз навбатида уларнинг билим-савияларини тиббий меҳнат экспертиза тизими талабларига жавоб берадиган даражага етказиш борасида бир қатор ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, инспекция томонидан Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази раҳбарияти ва ўқитувчи ходимлари билан ҳамкорликда ТМЭК тизимидаги ҳамширалар учун ўқув режаси ва дастури ишлаб чиқилди.

Ўқув дастурида касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳамширалик протоколлари билан ишлаш, аҳоли ўртасида катта ёшдагилар муаммолари ва уларнинг соғлигини сақлашда ҳамширалик ишини ўрганиш, оила

саломатлиги, жамоада ҳамширалик иши усуллари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, туғма нуқсонларнинг олдини олишда ҳамшира фаолияти, болалар муассасаларида (боғча, мактаб, интернат) ҳамшира фаолиятини ўрганиш каби муҳим масалалар киритилган. Шунингдек, ТМЭК тизимига оид бўлган қонунлар, буйруқлар, яъни меъёрий ва директив ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиблари ҳам ўрин олган. Тингловчилар юқоридаги кўникмалар қаторида ТМЭК фаолиятида ташкилий-услубий ишларни ташкиллаштириш стандартлари, ТМЭКдаги журналлар ва шакллари расмийлаштириш, уларнинг юритилиши ва сақлаш тартибини, архив ҳужжатлари юритилиши ва уларнинг сақлиниш тартибини ўрганадилар. Компьютер орқали републикамиз бўйича ягона тармоққа уланган ногиронлар "ТМЭК дастури" билан ишлаш, маълумотларни киритиш, юклаш, сақлаш ва ҳисоботга маълумот олиш тўғрисида хабардор бўладилар. Реабилитациянинг яқка тартибдаги дастури (РЯТД)ни расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда ногиронлик кўрик ишларини ташкил қилиш, юритиш, сақлаш тартиби ўқув режаси ва дастури мазмунига сингдирилган. Ҳамширалар назарий ва амалий кўникмаларини бойитиб, бугуннинг долзарб мавзусига айланган маънавият ва маърифат, тиббиёт ходимлари ахлоқи ва деонтологияси, компьютер саводхонлиги бўйича муҳим маълумотлар олиш билан бирга халқаро янгиликлар ҳамда замонавий диагностика ва даволаш усуллари ўқиб-ўрганадилар.

Анвар САИДОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Молия
вазирлиги — Республика
тиббий-ижтимоий
экспертиза инспекцияси
бош мутахассиси.



Уважаемый Аскар Канакович!

От всей души поздравляем Вас с юбилеем – 70-летием! Желаем крепкого здоровья, долгих лет жизни, безоблачного счастья и отличного настроения!

С уважением коллектив
стоматологической
поликлиники «Саломатлик
Жамшид».



Спорт

АЙКИДО – ПУТЬ ГАРМОНИИ ДУШИ И ТЕЛА

Айкидо один из наиболее молодых видов воинских искусств Японии, основателем которого является Морихей Уйешиба.

Первое упоминание об айкидо относится к 712 г. В древнейшем японском памятнике «Книга старинных вещей» одна из легенд рассказывает о сражении правителя Такеми Наката с богами боевых искусств Кашимой и Катори. Сын Накаты вызвал богов на рукопашный бой («тэгои») и потерпел поражение. Едва он дотронулся до руки Кашимы, как его руки и оружие превратились в лед, после этого некая сила подбросила его вверх, и он замертво упал на землю. Прием, который применил бог военного искусства, основывался на объединении положительной и отрицательной энергии, дыхательной силе «айки» и «айки-ин-ё», что послужило основанием для зарождения такого известного вида единоборств, как «дайто рю айки дзю-дзюцу», который, в свою очередь, стал промежуточным этапом развития айкидо.

С японского «айкидо» переводится, как «путь к достижению гармонии со Вселенной». Более глубокий анализ перевода показывает, что айкидо – это достижение гармонии движения физической и умственной энергии человека с общей динамикой природы. Являясь разновидностью японских будо (боевых искусств), айкидо представляет собой превосходно сбалансированную систему физического, психического и духовного воспитания личности. Поскольку иероглиф «ай» по своему значению символизирует гармонию и является схожим по значению с иероглифом, обозначающим любовь, создатель боевого искусства, Морихей Уйешиба, решил назвать его «айкидо» – любовь, которая даёт жизнь всему живому. Стычки, драки, войны, убийства – чужды айкидо.

Айкидо не представляет собой противопоставление силы и энергии противника на него самого.

В Ташкенте этот вид боевого искусства впервые появил-



ся в 1991 году. Основателем, пропагандирующим айкидо в Узбекистане стал Рашид Бакиевич Халидов. Талантливый спортсмен, педагог, сумевший заинтересовать Федерацию Айкидо в Японии, был приглашён на семинарские занятия по данному виду боевого искусства в Токио, что и повлияло на популярность развития айкидо в Узбекистане.

Федерация Айкидо Узбекистана (ФАУ) была зарегистрирована в качестве самостоятельного объединения в июле 1990 года. С момента основания и по настоящее время федерацию бесспорно возглавляет Рашид Бакиевич Халидов.

Исходя из вышесказанного, следует помнить, что философия айкидо, заключается в гармоничном сосуществовании души, тела и духа. Поэтому, придя в спортивный зал секции «айкидо», не чувствуешь спонтанности, агрессивного поведения и напряжённости, наоборот, здесь царит гармония, взаимопонимание и взаимоуважение друг к другу, а это самое главное. Хочется надеяться, что количество занимающихся в секции «айкидо» пополнится молодыми талантами, ненавидящими насилие и жестокость и пропагандирующих добро, любовь и уважение к ближнему.

А. ПОПОВ.
Фото автора.

Job vacancy announcement from Ministry of Health of Uzbekistan

Ministry of Health of Uzbekistan is implementing a Project onequipping State Sanitary Epidemiological Supervision Centers with laboratory equipment under the financing by Islamic Development Bank (IDB). The Project Scope encompasses provision of modern analytical laboratory equipment for State Sanitary Epidemiological Supervision Centers throughout the country and related personnel training. Ministry of Health, for the achieving of the Project's goals and objectives, would like to announce for the interested candidates the open competition and merit based selection for the position of Director of the Project.

Employment terms of Director of the Project

I. Objectives of the Position:

Overall management and guidance of the Project activities, as well as strong leadership in achieving the Project goals in cooperation with all agencies involved in the Project implementation.

II. Qualification requirements

Experience:

- At least 3 years of experience in Health Care, Finance at national and international level. Experience in projects financed by international finance institutions would be an advantage;

Education:

- Higher education in Medicine, Economics, Finance, Public Health or equivalent disciplines;
- Postgraduate qualification in the above area would be an advantage;
- Knowledge of Russian, Uzbek and English Languages.

Assignments' duration:

Project implementation period is 2015-2018. The contracts with the selected candidate will be concluded for the period of one year. First three months will be a probation period. The contract will be extended depending on satisfactory performance of the functional responsibilities of the employees it will be annually evaluated by the Ministry of Health, considering IDB opinion.

Interested candidates should submit their updated resumes (in English and Russian) to the e-mail address below by **January 4, 2015.**

Ministry of Health of Uzbekistan
Department for Coordination of Investment Projects
700011, 12 Navoi str., Tashkent, Uzbekistan
Tel./fax: 99871-2394410, e-mail: zafar.mukhamedov@minzdrav.uz

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш республика маркази директори Аҳром Баҳромович Ёркуловга падари бузруквори

Баҳром ЁРКУЛОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш республика маркази марказ директори Аҳром Баҳромович Ёркуловга падари бузруквори

Баҳром ЁРКУЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти жамоаси институт собиқ директори

Козим Фотиҳович БАКИРХОНОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



**«O`zbekistonda
sog`liqni saqlash –
Здравоохранение
Узбекистана»
газетаси доимо
Сиз билан бирга!**



**Азиз юртдошлар!
Янги – 2015 йил
Кексаларни
эъзозлаш
йили**
**барчамизга туборак
бўлсин!
Сизларга
мустақкам соғлиқ,
оилангизга
тинчлик-
хотиржамлик
ҳамда мустақил
Ўзбекистонимиз
истиқболи
йўлидаги эзгу
ишларингизда
улкан зафарлар ёр
бўлсин, деб
қоламиз.**



ЯНВАРЬ	ФЕВРАЛЬ	МАРТ	АПРЕЛЬ
Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30
МАЙ	ИЮНЬ	ИЮЛЬ	АВГУСТ
Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31
СЕНТЯБРЬ	ОКТЯБРЬ	НОЯБРЬ	ДЕКАБРЬ
Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	Д С Ч П Ж Ш Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31

Газетанинг навбатдаги сони 2015 йилнинг 9 январь куни чиқади.

Газета
муассиси:
**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5409 нусха.
Буюртма Г-1258.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

